

Оқсаройда қабул



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 14 июн куни Оқсаройда АҚШ Қуролли Кучлари Марказий қўмондонлиги қўмондони генерал Жозеф Вотелни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари янги лавозимга тайинлангандан сўнг мамлакатимизга илк бор келган меҳмонни қутлар экан, уни юксак ва масъулиятли лавозим билан табриклаб, фаолиятида муваффақиятлар тилади.

Сұхбат чоғида Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари, аввало, ўзаро манфаатга, жумладан, хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга асослангани таъкидланди. Мунтазамлик касб этган турли даражадаги ўзаро алоқалар ва маслаҳатлар икки томон учун ҳам манфаатли бўлган ҳамкорликни изчил ривожлантириш имконини бермоқда.

Учрашувда айrim ҳалқаро ва минтақавий муаммолар, жумладан, Афғонистондаги вазиятни тинч йўл билан ҳал этиш масалалари мухокама этилди.

Генерал Жозеф Вотел Президентимиз Ислом Каримовга самимий қабул ва томонлар учун долзарб бўлган масалаларни атрофлича мухокама этиш имконияти яратилгани учун миннатдорлик билдириди, АҚШ раҳбарияти мамлакатларимиз ўртасидаги серқирра муносабатларни янада ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

ЎЗА

Ҳавола:<http://uza.uz/oz/politics/o-saroyda-abul---14-06-2016>